

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЭРКИНЛИК ВА ҚОНУНИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ жорий йилнинг 9 июль, яқинда кун муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов бўлиб ўтади.

Ушбу сайловга жойларда кўрилган юксак даражадаги тайёргарлик ва сайловни демократик тарзда ташкил этишда мустақил сайлов органларининг қонун устуворлиги принципларига оғишмай риоя қилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда халқимиз ҳаётининг фаровонлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган изчил ва халқчил сиёсат ҳамда янгиланишлар негизда мамлакатимизда энг демократик талаб ва умумэтироф этилган халқро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини, ҳар бир кишининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминловчи сайлов тизими яратилди. Чунки демократик ҳуқуқий давлатда сайлов институти халқ ҳокимиятичилигини амалга оширишнинг ва фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этишининг реал механизми ҳисобланади.

Президент сайловининг конституциявий мезон ва принцип, сайлов нормаларига тўлиқ риоя этган ҳолда очиқ ва ошқора, ҳар қандай таъсирлардан холис ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, эркин ва адолатли

тарзда ўтказилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган.

Мустақил тараққиётимиз даврида яратилган миллий сайлов тизимимиз энг илғор демократик ғоя ва қоидаларни ўзида мужассам этган. Бунга сайловларимизнинг том маънодаги кўппартиявийлик, сиёсий партия ва номзодлар ўртасидаги тортишувчанлик, ошқоралик, фикрларни эркин билдириш каби хусусиятлари, энг асосийси, ҳар бир сайловчи муносиб деб, ўзи танлаган номзодга онгли равишда овоз бериш имкониятига эга бўлаётганликларидир.

Булар ўз навбатида, Конституция-мизнинг 2-моддасидаги “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади”, 7-моддасининг “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган энг муҳим конституциявий принципларини сайловлар орқали рўйбга чиқишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз – юртимизда тўпланган тажриба асосида сайлов жараёнларини янада демократлаштириш орқали мунтазам такомиллашиб борди.

Яна бир жиҳат. 2023 йилнинг энг муҳим ва сиёсий аҳамиятга молик воқеаси 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда Ўзбекистон

халқи ўзининг янги таҳрирдаги Конституциясини қабул қилгани бўлди. Халқимизнинг умумхалқ референдумидаги фаол иштироки унинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданиятини яққол намоён этди. Бу эса дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилишига сабаб бўлди. Энг муҳими, халқро кузатувчилар яна бир қарра, Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўлидан ҳеч қачон ортага қайтмаслигига ишонч ҳосил қилишди.

Таъкидлаш жоиз, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда ижтимоий давлат барпо этиш ва тараққиётимизнинг янги даврига ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Янги Конституцияда “инсон – жамият – давлат” деган тамойил устуворлик касб этди. Бу билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланди. Инсон ҳуқуқларининг таъминланиши кафолатлари янада кучайтирилди. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган принцип янада мустаҳкамланди.

Биз юқорида қайд этган мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида иккинчи муҳим воқеа сифатида айнан 2023 йил 9 июль бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини эътироф этиш жоиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда сайлов ҳуқуқига эга барча фуқа-

ролар ўзининг онгли танлови орқали Ўзбекистон халқининг манфаатлари, шаъни ва кадр-қимматини мамлакат ичида ва халқро майдонда муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган энг муносиб номзодга овоз бериш орқали юртимиз келажagini белгилаб беради. Бу ўз навбатида, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида жуда катта масъулиятни зиммамизга олган ҳолда ўз қароримизни қабул қилишимизни англашди.

Бунинг учун тенглик ва адолат принциплари асосида ўтган сайлов-олди ташвиқоти жараёнлари барча президентликка номзодларнинг сайловчиларга тақдим этган ғояларини янада чуқурроқ мушоҳада этиш, энг муҳими, таққослаш негизда ўзига муносиб шахсни танлашга шароит яратди.

Шундай экан, ушбу сиёсий жараёнларда барчамизнинг фаол бўлишимиз, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳамда сиёсий қарашларимизни янада ошириб, Ватанимиз равнақи ва истиқболи учун беварқ бўлмасдан, сайлов кунини ўз хоҳиш-иродамиз ва фаол фуқаролик позициямизни билдиришимиз – Янги Ўзбекистон куриш мақсадимиз, келажак ва ривожланиш йўлини эркин танлашда улкан аҳамият касб этади.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,
Акмал РАҲМОНОВ,
юридик фанлари номзодлари.
ЎЗА**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОПИ

2023 йил 23 июнь № 16

Тошкент шаҳри

Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ҳар қимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи кафолатланган.

Судлар томонидан конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига оид кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги ЎРК-837-сон Конституциявий Қонуниинг 11-моддаси ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (бундан буён матнда Конституция деб юритилади) 15-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилган ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Конституциянинг олий юридик кучга эгаллиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини англашди. Шунга кўра, судлар кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини

тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозим.

Судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмагани ва важи билан қўллашни рад этишга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратишлари керак. Тушунтирилсинки, муайян ишда қўлланилиши зарур бўлган Конституциянинг нормасида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинганда, ишни кўриб чиқаётган судлар Конституция ва тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунга асосланиши лозим.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОПИ

2023 йил 23 июнь № 17

Тошкент шаҳри

Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

Суд-тергов амалиётида масалалар келиб чиққанлиги, шунингдек, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, “Судлар тўғрисида”ги Қонуниинг 22-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ барча мулк шакллари ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади ҳамда унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиб этилади.

2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, бозор иқтисодиёти шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ қилмишлар орасида ўзганиш мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тарикасидаги жинойтлар ўсиши тенденцияси кузатилмоқда.

3. Фирибгарлик ўзганиш мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вақили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради ёки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

4. Фирибгарликка алдаш деганда, айбдор томонидан, дегадга, айбдор томонидан, дегадга туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлгон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликка ёлгон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича маълумотлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг нияти, ваколати (мансадан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳолатида қўлуни асосларда фаолият юритувчи тадбиркор сифатида кўрсатиши ва ҳ.к.) тааллуқли бўлиши мумкин.

Фирибгарликка жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. қиради.

(Давоми 3 ва 4-бетларда) ►

Мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш механизмларини янада такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш билан бирга ижро жараёнларини амалга оширишда аҳолига кенг қўлайликлар яратишга қаратилмоқда.

● **Моҳият**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган ўзгартиришлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига қаратилган



Биргина Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этилиши натижа-сида тизим фаолияти тезкорлиги ва шаффофлиги таъминланиб, бир қатор қўлайликлар яратилди.

Хусусан, идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали 35 та ташкилотнинг 63 та ахборот тизими бюронинг “МИБ-Портал” дастурига интеграция қилинди. Шунингдек, “Сунъий интеллект” орқали давлат ижрочисининг аралашувисиз қарздорларга тегишли автотранспорт ва махсус техника, кўчмас мулкларга таъқиқ қўйиш механизми тадбиқ қилинди.

Давлат ижрочиларининг автотранспорт воситаларига

нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги қарорларини йўл ҳаракати хавфсизлиги органларига электрон тарзда юбориш имконияти яратилди.

Аҳолини кўп вақтлардан буён қийнаётган масала, яъни кам миқдордаги коммунал қарздорлик ёки жарималар туфайли хорижий сафарларга таъқиқ қўйилиши каби кўнгилсиз ҳолатларга барҳам берилди. Бундай таъқиқларни ечиш мақсадида Тошкент халқро аэропортида “Интерфаол шохбча” хизмати йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, “Алимент тўловлари” мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма ҳисобидан ундирувчиларга пул маблағларини тўлаб бериш амалиёти жорий этилди.

(Давоми 5-бетда) ►

Жараён Номзодларнинг теледебат майдонидаги беллашуви

демократиянинг ёрқин кўриниши

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига ҳам санокли кунлар қолмоқда. Ўтган деярли бир ой давомида номзодларнинг инновацион ва рақамли турли-туман шакл ҳамда услубдаги тарғиботини кузатиб бораёلمиз.

Куни кеча Президент сайлови кампаниясида тарғибот-ташвиқотнинг замонавий шаклларида бири бўлмиш партиялараро теледебатнинг ҳам гувоҳи бўлдик.

(Давоми 2-бетда) ►



Парламент фаолияти



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари қабул қилинди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЭКСПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИ Қўллаб-қувватланади

Иқтисодиёт соҳасида валютанинг эркин айланмаси жорий қилинган, солиқ юқининг кескин камайитрилиб, хусусий бизнеснинг қонун ҳимоясида бўлишидек ишончли тизим яратилгани бозор иқтисодиёти

ривожига кенг йўл очиб берди. Соҳага доир қабул қилинган қонунлар иқтисодиётни жадал сурьатлар билан ривожлантиришга замин яратмоқда. Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 28-мақсадида экспорт

салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда мамлакатимиз экспорт ҳажмини 300 миллиард АҚШ долларига етказиш устувор вазиға сифатида белгиланган.

(Давоми 5-бетда) ►

Жараён

Номзодларнинг теледебат майдонидаги беллашуви демократиянинг ёрқин кўриниши



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқроқ айтганда, ушбу теледебат давлатимизнинг демократик йўлдан шахдам ривожланиб бораётгани, номзодларнинг теледебат майдонидаги беллашуви муҳим аҳамиятга эга эканини яққол намоён қилди.

Теледебатлар узоқ тарихга эга. Илк теледебатлар 1960 йил АҚШда ташкил қилинган маълум. Бугунги кунда қатор давлатларда теледебатлар сайлов жараёнларининг ажралмас қисми бўлиб улгурган.

Масалан, Сингапурда 2020 йили парламентга кўп номзод кўрсатган 4 та партия ўртасида, Индонезияда 2019 йили президентлик учун номзодлар ўртасида, Қозғоғистонда 2023 йилларда Қозғоғистонда парламент сайлови олдида теледебатлар уюштирилди. Айниқса, Қозғоғистонда 2022 йилдаги навбатдан ташқари Президент сайловида 6 нафар номзоддан илк маротаба 2 нафар аёл қатнашган теледебатлар экспертлар томонидан жонли ўтгани ҳамда ҳақсизир жиҳатлари танқидий баҳолаганини айтиш жоиз.

Албатта, Шарқдаги теледебатлар Фарбдаги тартибсиз, шовқин-суронли ва жанжалли теледебатлардан фарқ қилади. Масалан, юртимизда ўтган теледебатларда номзодлар шарқона маданият билан бир-бирини камситмасдан, гапини бўлмасдан, ҳурмат-иззат қилган ҳолда, фикрларни бошиқлик билан тинглаб, танқидий ва илмоқли саволларга дадил, ишонч билан, тўлиқ ва асосли жавоблар бериши, умумэтироф этилган талабларни бузмаган ҳолда том маънода қизгин ва мунозарали ҳақиқий беллашуви олиб берилди.

Бу галги дебатларнинг ўзига хос аҳамиятли жиҳатлари бор, албатта.

Биринчидан, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ютуқ ва камчиликлари нафақат очик ва ошқора, балки барчага бирдек тушунарли тилда, танқидий ёндашган ҳолда таҳлил этилган ўтган йилги сайловлардан яққол фарқини кўрсатди. Шу боис каттаю-кичик фуқаролар энди партиялар нафақат ижтимоий муаммолар, балки инсон қадрини муҳим бўлган барча соҳаларни қамраб олаётганига гувоҳ бўлишди.

Масалан:

- Адолат партиясидан Президентликка номзоднинг "Ижтимоий давлат – 2030" дастурини ишлаб чиқиш ғояси;
- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзоднинг ташаббуслари аниқлиги, ҳаётини ва амалий экани, ҳар бир соҳани тизимли ва узвий ривожлантиришга қаратилгани, Янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга, бу бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодийёт ҳамда ажодларимизнинг

бой меросига асосланган кучли маънавият бўлиши, 2030 йилгача "Истеъдод – интилиш – истиқбол" деб номланган мактаб-интернатлар ташкил этилиши, уларда эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун 70 фоиз квота ажратилиши кўпгина муаммоларга ечим бўлиши халқимизга маъқул келди.

- Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоднинг қишлоқ ёшларини кейинчалик ўз қишлоғида ишлаш шарти билан давлат грантлари асосида педагогик, тиббиёт ва бошқа ихтисосликдаги олий таълим муассасаларига ўқишга имтиёзли қабул қилиши;

- Ўзбекистон экологик партиясидан Президентликка номзоднинг "ашил" иқтисодиётга мос келадиган ва унинг ривожланишига ҳисса қўшадиган касб-хунар йўналишлари рўйхати тузиш ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш каби ғоялари эътиборга лойиқдир.

Иккинчидан, сайловди жараёнларида теледебатларнинг муҳим босқич эканлиги яна бир қарра тасдиқланди. Чунки бу дебатлар номзодларнинг ташаббусларини жойида қиёсий таққослаш, саралаш ва энг маъқулни танлаш ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришга имконият яратиб берди.

Учинчидан, кечаги теледебат номзодларнинг ташаббуслари ҳаётини ва амалий эканини кўрсатди. Ҳар бир номзод ўз ғояси учун курашгани, тақдирларининг ишлаш механизмлари ва чора-тадбирларни аниқ ёритишга ҳаракат қилгани бунинг ёрқин кўрсаткичи бўлди.

Тўртинчидан, теледебатларнинг бошқа тарқоқ ҳолдаги сайловди ташвиқотларидан афзаллиги шундаки, унда бир вақтнинг ўзида барча номзодларнинг сайловди дастурлари билан танишиш, қизиқтирган саволлар бериш, жойида ечимини кўра олишнинг энг муваффақиятли йўлидир. Ўз навбатида, теледебатлар фуқароларнинг сиёсий билими ва дахлдорлиги сезиларли даражада ошганини яна бир қарра кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, номзодларнинг теледебат майдонидаги беллашуви — бу эркин фикрлаш, ўзаро ҳурматни сақлаган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қилишга қаратилган воситага айланган бормоқда. Президент сайловидаги теледебат сайловчиларга барча номзодларнинг сайловди дастурларидаги ҳаётини муҳим ўзгаришларга олиб кела оладиган ғояларни аниқлаб олиш, уларга ҳолисона баҳо бериш, ошқора саралаш ва муносиб деб билган номзодни танлаб олиш юзасидан мустақил қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Феруза ҲАҚИМОВА,

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази директори в.б., сиёсий фанлар номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

2. Конституция 15-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактлар ва бошқалар) билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилишига эътибор қаратилсин.

Бунда судлар қонун ҳужжатларига асосан халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинганлиги ёхуд қучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари ўтказилганлигига, шунингдек, қўшимча шартлар қўйилганлигига эътибор қаратиши лозим.

Шу билан бирга, ишларнинг кўриб чиқилишида халқаро шартнома нормалари қўлланилган ҳолларда қарорнинг асослантирувчи қисмида ушбу халқаро шартнома нормаларига ҳавола қилиниши лозим.

3. Судларнинг эътибори Конституцияда ҳеч қандай расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазага тортилиши, мол-мулкдан ёки биров-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни матбуот ва расмий манбаларда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шарт эканлиги белгиланганлигига қаратилсин (30-модда биринчи қисми, 99-модда ўн биринчи қисми).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш тартиби 2021 йил 20 апрелдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ЎРҚ–682-сон, 2019 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги ЎРҚ–591-сон, 2017 йил 7 сентябрдаги "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги ЎРҚ–443-сон қонунлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1013-сон қароридан белгиланган.

4. 2023 йил 30 апрель кунини ўтказилган референдумда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги ЎРҚ–837-сон Конституциявий Қонуннинг 3 ва 4-моддаларига мувофиқ, ушбу Конституциявий Қонун қучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга зид бўлмаган қисми қўлланилади; Конституция нормалари тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишидан ёки мавжудлигидан қатъи назар, ушбу Конституциявий Қонун қучга кирган пайдан эътиборан тўғридан-тўғри амал қилади.

Судлар инobatта олиши керакки, суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, қоида тариқасида, Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик қучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли нормалари қўлланилиши лозим.

Шу билан бирга, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги ко-

дексга мувофиқ 2023 йил 1 майга қадар қабул қилинган биринчи инстанция судларининг суд ҳужжатлари юқори инстанция судлари томонидан қайта кўрилаётганда уларда қўлланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция нормаларига мос келмаслиги аниқланиши суд ҳужжатларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмади.

Бунда, Фуқаролик кодексининг 4-моддаси ва "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддаси талабларидан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан ишларни кўришда низоли муносабат бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қачон вужудга келганлиги аниқланиши керак.

5. Конституциянинг 20-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши; инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини ташкил этиши лозимлиги белгиланган.

Шунга кўра, судлар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари билан муносабатларда инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида мазкур органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсонга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда Конституцияда белгиланган мутаносиблик принциплари риоя қилинганлигини текширишлари лозим.

Бунда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Шунингдек, Конституциянинг 55-моддасида давлат органлари ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланмаган тақдирда, унинг ўрни манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд тартибида давлат томонидан қопланиши кафолатланганлиги инobatта олиниши лозим.

6. Судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принциплари асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инobatта олишлари зарур.

Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жаза ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

7. Судлар муайян ишларни кўришда Конституция 21-моддасидаги шахсга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурий оқлатилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормага риоя этилганлигини текширишлари лозим.

Бунда қонунчилик деганда, нафақат қонун ҳужжатлари, балки қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам назарда тутилиши инobatта олиниши зарур.

8. Судлар Конституциянинг 28-моддаси талабларига мувофиқ айбдорликка оид барча шубҳаларни бартараф қилишнинг имкони йўқлиги шахсни айбсиз деб топишга асос бўлишини инobatта олишлари лозим.

Шахснинг ўз айбини тан олганлиги унинг айби судда текширилган бошқа далиллар билан исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқарилишига асос бўла олади.

Жиноят ишларини юритишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги, истал-

ган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши, ўзи ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги билан боғлиқ Конституцияда белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилади.

9. Судларнинг эътибори Конституциянинг 29-моддаси тўртинчи қисмига асосан қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

Тушунтирилсинки, Конституцияда мустаҳкамланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда қонунларда белгиланган тартибларни бузган ҳолда ёхуд қонунларда назарда тутилмаган ҳаракатлар натижасида тўпланган далиллар қонунни бузган ҳолда олинган далиллар деб эътироф этилиши лозим.

10. Конституциянинг 29-моддасига мувофиқ ҳар қимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши лозим.

Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса унинг ҳаракатланиши эркинлиги ҳуқуқи амалда қолган пайтдан эътиборан ўз танловиға кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқиға эға.

Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилинишини, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш ҳуқуқиға эға.

Шахсий эркинлик ва дахлсизликни кафолатловчи конституциявий нормаларнинг бузилиши оқлатларига баҳо беришда судлар Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчинини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сон қароридан берилган тушунтиришларга амал қилиши лозим.

Судларнинг эътибори шахсга адвокат ёрдамидан фойдаланиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқи тушунтирилмасдан ёки унинг бундай ҳуқуқларидан амалда фойдаланиши учун реал шароит яратиб берилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши натижасида олинган далилларнинг маъқул эмас (яроқсиз) деб топилишига ва бундай далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

11. Судлар инobatта олишлари керакки, 2023 йил 1 майдан бошлаб шахснинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқининг чекланишига, уй-жойида тинтув ўтказилишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Фуқароларнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув фаолияти натижалари мазкур тадбирлар суднинг рухсати асосида ҳамда 2012 йил 25 декабрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ–344-сон Қонунга мувофиқ амалга оширилгандагина ишда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлади.

12. Судларнинг эътибори Конституциянинг 139-моддаси иккинчи қисмида суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатна-

шувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи кафолатланганлигига қаратилсин.

Конституциянинг ушбу нормаси ҳамда Жиноят процессуал кодексининг 20-моддаси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 273-моддаси, Фуқаролик процессуал кодексининг 11-моддаси, Иқтисодий процессуал кодексининг 10-моддаси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 12-моддасига мувофиқ судлар ишда иштирок этувчи шахсларга ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқларини тушунтиришлари лозим.

13. Конституциянинг 16-моддасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Конституция асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилиниши, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принциплари ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Муайян ишларда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга зидлиги аниқланган тақдирда судлар Олий судга шу масалада Конституциявий судга мурожаат қилиш юзасидан таклиф қилишлари лозим.

Тушунтирилсинки, Конституциявий суднинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қисмини Конституцияга зид деб топиш ҳақидаги қарори судлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қолган қисми қўлланилишига тўсқинлик қилмайди.

14. Судлар низоларни кўриш давомида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат шахснинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқлари ва манфаатларига зидлиги аниқланганда, манфаатдор шахсга бундай ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 22-боби тартибида Олий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришлари лозим.

Судлар инobatта олишлари керакки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституция принциплари ва нормаларига зидлиги уни Олий суд томонидан манфаатдор шахснинг аризасига асосан тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

15. Судлар ишларни кўриш натижалари бўйича Конституция нормалари ҳамда шахсларнинг кафолатланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигини аниқлаган ҳар бир ҳолат бўйича қонун бузилишини келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни пухта ўрганиб, тегишли мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириши лозим.

16. Барча судлар, қонунчиликни қўллаётган давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар мазкур Пленум қарори тушунтиришларига сўзсиз риоя этсин.

17. Олий суднинг судлов хайъатлари, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар мазкур Пленум қарори мазмун-моҳиятини қўйи судларга тушунтириш юзасидан семинар-машғулотлар ўтказишлари ва ягона амалиётни шакллантиришга эътибор қаратишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Б. ИСЛАМОВ

Пленум котиби, Олий суд судьяси

Н. ХАКИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

◀ (Бошланиши 1 ва 3-бетларда)

Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмагандан, уларни ўзлаштириш, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак.

Агар пора бериш ташаббуси пора берувчи томонидан билдирилган бўлса, бундай ҳолда шахснинг ҳаракатлари фақат фирибгарлик жинойти сифатида квалификация қилиниб, қўшимча равишда ЖК 211-моддаси билан квалификация қилиниши талаб этмайди.

25. Фирибгарлик натижасида олинган, шунингдек иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жабрланувчига тегишли пул ва бошқа қимматликлар ЖПК 211-моддаси 4-бандига кўра, ўз эгасига қайтариб берилиши лозим, пул ва бошқа қимматликлар улар эгасининг ташаббуси билан, била туриб, пора предмети сифатида берилган ҳоллар бундан мустасно. Пул ва бошқа қимматликлар топилмаган ҳолларда уларнинг суммаси ёки пул бирлигидаги қиймати суд томонидан жабрланувчи ёки давлат фойдасига ундирилади.

26. Фирибгарликни иқтисодий соҳасидаги қатор жинойтлардан, шу жумладан, ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг бошқа шакллари билан фарқламоқ лозим.

Фирибгарликнинг ўғрилиқдан (ЖК 169-моддаси) фарқи шундаки, фирибгарликда айбдор мулкни ўзганинг эгаллигидан олиб қўйишга, балки у томонидан янглиштирилган жабрланувчининг ўзи мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни беришига эришади.

Товламачилиқдан (ЖК 165-моддаси) фирибгарлик шу билан фарқланадигани, товламачилиқда жабрланувчи кўрқув таъсири остида ҳаракат қилади, эрки синдирилган бўлади, фирибгарликда эса алдов натижасида жабрланувчининг эрки янглиштирилган.

Фирибгарлик жинойтидан ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек, қимматли қоғозлар ёки чет эл валютаси ёхуд чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (ЖК 176-моддаси) қасд йўналиши ва сохталаштириш хусусияти билан фарқланади. Бунда пул белгиси ёки чет эл валютаси пул айланмасига киритиш учун сохталаштирилади. Қимматли қоғозларни қалбақлаштириш билан боғлиқ фирибгарликда эса, (масалан, пул купюрасига бир неча ноль рақамларни қўшиб ёзиш, сувенир банкнотларни, банкнот ёки қимматли қоғозларнинг фото-ксеронусхаларини ишлатиш ва ҳ.к.) қасд муайян шахсни алдаш ва мулкнинг фойда олишга қаратилган бўлади.

Агар айбдор била туриб, қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек, қимматли қоғозлар ёки чет эл валютаси ёхуд чет эл валютасидаги қимматли қоғозлардан фойдаланган ҳолда ўзганинг мулкни кўлга киритиш, унинг ҳаракатлари ЖК 176 ва 168-моддалари билан квалификация қилинади.

27. ЖК 188-моддасида кўзда тутилган жинойтларни фирибгарлик жинойтидан фарқлаш лозим. Бунда шахснинг жинойий мақсади нимага қаратилгани, хусусан айбдор имкони борица кўпроқ фуқароларни ўзининг ноқонуний феолиятига жалб қилишни кўзлагани, айбдор фуқароларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулкни ҳисобидан муқаддам олинган мажбуриятларини бажариб бориши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

28. ЖПК 415-моддасига мувофиқ суд

айбловни ўзгартириши ва судланувчининг ҳаракатларини ЖК бошқа моддаси (қисми, банди)га квалификация қилишга, шунингдек, жинойтнинг айрим (судланувчининг айбига киритилган ҳаракатлардан) эпизодларини судланувчига айб ёзлон қилинмаган ЖК моддасига квалификация қилишга ҳақли.

Шундан келиб чиқиб, фирибгарлик ўзганинг мулкни талон-торож қилиш шакллари билан бири эканлигини инобатга олиб, суд айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 168-моддасидан ЖК 167-моддасига қайта квалификация қилишга ҳақли.

29. ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жинойт оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони қўллашнинг мақсадида мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шарт.

30. Фирибгарлик билан боғлиқ жинойт ишларини судда кўришда жабрланувчига етказилган моддий зарарларнинг қопланган — қопланмаганлиги масаласи синчковлик билан, тўла текширилиши лозим.

Тушунтирилсинки, жинойт иши бўйича етказилган зарарни қоплаш мақсадида хатланган мол-мулкни ундирувга қаратилишининг ўзи жинойт натижасида етказилган зарарни қопланган деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди.

Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, жабрланувчи суд мажлисида ўзига етказилган моддий зарарлар амалда қопланганлигини билдириб, ихтиёрий ёзма ариза тақдим қилганлиги натижасида моддий зарарлар қопланганлиги эътироф қилинган суднинг ҳукми (ажрими), кейинчалик жабрланувчининг ушбу зарар қопланмаганлиги ҳақидаги важи асосида юқори инстанция судлари томонидан суд ҳукми (ажрими)нинг бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига сабаб бўлмайди.

31. Судлар қонунда белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришган шахсларга нисбатан қонунга хилоф равишда фирибгарлик тўғрисида жинойт иши кўзатиш амалиётига барҳам бериш юзасидан чоралар кўришлари лозим. Шу мақсадда низолашаётган тарафлар орасида келиб чиққан ҳақиқий муносабатлар хусусияти синчковлик билан аниқланиши лозим бўлиб, бу айбсиз шахслар қонунга зид равишда судланиши ҳолларига чек қўйилишига олиб келади. Иш бўйича шахс қонунга хилоф равишда жинойий жавобгарликка тортилганлиги факти аниқланган ҳолда суд бунга тегишли муносабат билдириб, жинойт ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариши керак.

32. Қатор ҳолларда муайян мақсадларига қонунчиликда белгиланган тартибга риоя этмаган ҳолда эришишни истаган жабрланувчиларнинг хулқ-атвори фирибгарлик содир этилишига шарт-шароит яратиб бераётганлигини эътиборга олган ҳолда, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар бундай ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан тегишли ҳуқуқий баҳо беришлари, шунингдек, келажакда фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш учун бундай ҳаракатлардан келиб чиққан оқибатларни олмавий ахборот воситаларида кенг ёритишлари лозим.

33. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди фирибгарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари, бу тоифадаги ишлар бўйича суд қарорлари қонунийлиги ва асослилигини чуқур текширишлари, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

34. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси


Б. ИСЛАМОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Н. ХАКИМОВА

Шартнома қонунчилиги

“УНУТИЛГАН” МАЖБУРИЯТ ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлди



Деҳқон ва фермерлар эрта баҳордан мўл-қўл ҳосил етиштириш орқали даромад олишни кўзлайди. Албатта, бунинг учун тиним билмай меҳнат қилади. Улар етиштирган ҳосил ҳақини ўз вақтида олса, меҳнатига рози бўлади. Акс ҳолда бу ортиқча оворагарчиликни келтириб чиқаради.

Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, Фарғона вилоятида феолият юри-тувчи кластер шаклидаги “Ғеуҳан-Текс” масъулияти чекланган жамияти Фуқрат туманидаги бир қатор фермер хўжаликларининг ҳақини бермай овера қилган. Хусусан, 2022 йил 18 январь куни тумандаги “Тиллотепа миришкори” фермер хўжалиги ва “Ғеуҳан-Текс” масъулияти чекланган жамияти ўртасида пахта хомашёси ва уруғлик пахтани етказиб бериш ҳамда харид қилиш бўйича шартнома имзоланган. Ушбу шартномага асосан фермер белгиланган

майдонда пахта етиштириб, ҳосилни кластерга етказиб берган. Бошқача айтганда зиммасидаги шартномавий мажбуриятни тўлиқ бажарган. Уруғлик чигит, ёқилги мойлаш материаллари, техника хизмати ва бошқа харажатларни чегириб ташлаган ҳолда ҳисобланган фермер хўжалиги етиштирган ҳосил ҳақи 417.028.192 сўмни ташкил қилган. Бироқ кластер масъуллари фермернинг ҳақини ўз вақтида тўлаб бермаган. Ваҳоланки, шартнома-нинг 2.4-бандига биноан кластер 2022 йилнинг 31 декабрга қадар хўжалик

билан ҳисоб-китобларни тўлиқ амалга ошириши шарт эди.

Охир-оқибат Фуқрат тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши Фарғона туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, кластер ҳисобидан “Тиллотепа миришкори” фермери хўжалиги фойдасига 417.028.192 сўм асосий қарз, 98.418.653 сўм пеня ундириб беришни сўради.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 236-моддасига биноан, мажбуриятлар мажбурият шартлари ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида иш муомаласи одатлари ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Ушбу ко-

декснинг 465-моддасида контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олиши, тайёрловчи бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олиши белгиланган.

Судга даъво аризаси киритилган, қарздор фермер хўжалигига 1.999.999 сўм маблағ тўлаган. Шу боис суд даъво аризани қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 415.028.192 сўм асосий қарзни унди-

риш юзасидан ҳал қилув қарор қабул қилди.

Бундан ташқари кластер “Агро чорва оптима”, “Дилнозахон Аббосхон замини”, “Дилшодбек Меҳриноз”, “Мустақил юрт агрономи”, “Нур Анвар саодати”, “Одилор Ортиғали замини”, “Ойдин барҳаёт”, “Сара уруғлар”, “Унумдор ер туҳфаси”, “Ҳайитбой ота”, “Элёрбек” каби фермер хўжаликлари ҳақини ҳам ўз вақтида тўлаб бермаган экан. Шу боис суд Фуқрат тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг даъвоси асосида ана шу хўжалиқларга тегишли маблағларни ҳам ундириб берди. Бунинг натижасида фермерларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, ортиқча оворагарчиликка чек қўйилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлса, фермер ва тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш судлар зиммасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлиги ва озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Ҳусниддин
ЖАМОЛИДДИНОВ,
Фарғона туманлараро
иқтисодий суди судьяси

● Қонун кўмаги

Соғлиққа етказилган зарар иш берувчи томонидан қопланди



икки ой мобайнидаги иш ҳақи ҳисобга олинishi ва тўланиши керак. Корхонадан берилган маълумотномада С.Қурбонназаровнинг бир йиллик иш ҳақи 68 миллион 67 минг 36 сўмни ташкил этиши қайд этилган.

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, “Навоий уран” давлат корхонаси ва “Кафолат” суғурта компанияси акциядорлик жамияти ўртасида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган. “Навоий уран” давлат корхонаси Нуробод участкасининг 2022 йил 6 декабрдаги 141-сонли буйруғига кўра, суғурта компанияси шартномага асосланиб, С.Қурбонназаровга 68 миллион 67 минг 36 сўм миқдоридagi маблағни бир йўла бериладиган нафақа сифатида тўлаб берган. Бундан ташқари юқорида қайд этилган буйруққа кўра, ходимга 2022 йил 8 ноябрдан 2023 йил 1 декабрга қадар ҳар ойда 850 минг 837 сўм миқдорда етказилган зарар суммаси тўланиши керак.

Аммо Навоий кон металлургия комбинати ходимлар касабга уюшмаси жабрланувчининг соғлигига етказилган зарарни қоплашда аралаш жавобгарлик мавжуд, деган тўхтамга келади. Шу сабабли С.Қурбонназаровга тўланиши лозим бўлган зарар

миқдорини иш берувчи томонидан эпллик фоизга камайтириб, ўн беш фоиз миқдорда келтиради. Бунга эски тахрирдаги Меҳнат кодексининг 191-моддасини асос қилиб олади. Ушбу моддада агар жабрланувчининг кўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқиши ёки кўпайишига сабаб бўлса, тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб, камайтирилиши қайд этилган.

Шунингдек, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатларни судда исботлаши шарт. Аммо корхона касабга уюшмаси иш берувчи томонидан ходимнинг кўпол эҳтиётсизлиги натижасида зарарни келиб чиқишига сабаб бўлаётган ҳолатлар мавжудлигини асослантириб беролмаган. Ўрни асосис равишда ходимнинг аралаш жавобгарлигини белгилаб, меҳнатга қобилиятсиз даражасини ўн беш фоиз этиб, белгилаш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ўз навбатида, С.Қурбонназаров ҳар ойдаги иш ҳақининг ўттиз фоиз миқдорини ундириб беришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Иш ҳолатидан кўринишича, бахтсиз ҳолат ходимнинг айби билан рўй бермаган, аксинча, эҳтиётсизлик натижасида содир бўлган. Шу сабабли суд даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланмаган манфаатларидан келиб чиқиб, касабга уюшмасининг 2022 йил 23 ноябрдаги 55-сонли баённомасини ғайриқонуний деб топди. Даъвогар С.Қурбонназаровнинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасини ўттиз фоиз қилиб белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш судлар зиммасидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Зеро, инсон ва унинг ҳуқуқлари жамиятимизда энг олий қадриятдир.

Зафар РАВШАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Каттақўрғон туманлараро
суди раиси

Кўқон шаҳрида яшовчи Икромжон Аминов (исм-шарифлари ўзгартирилган) бундан бир неча йил илгари автомобил эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғуллана бошлаганди. Кейинчалик савдо ишларини кенгайтириб, қайсинглисининг ўғли Афзал Абдухалиловни ҳам ишга олади.

Айтиш керакки, ўша пайтда автомобил эҳтиёт қисмларига талаб юқори бўлгани сабабли савдо дўконига деярли ҳар куни янги маҳсулот олиб келинарди. Бунинг натижасида катта миқдорда нақд пул тушарди, И.Аминов ва А.Абдухалилов ҳар куни иш якунида пулларни ҳисоб-китоб қилишарди. Албатта, даромадга яраша бурмад, деганларидек, И.Аминов баъзан 15 кунда, баъзида ой охирида А.Абдухалиловнинг иш ҳақини берарди. Қолаверса, қариндош бўлгани боис уни иш ҳақидан ташқари ҳам рағбатлантириб турарди.

Қисқаси, шу зайлда А.Абдухалилов И.Аминовнинг савдо дўконига бир йилдан ортиқроқ ишлади. Аммо 2001 йилнинг охирига келиб, у қинғир ишга кўл уради. Ўрни у иш ҳақида қаноат қилмай, айрим эҳтиёт қисмларни яширинча сотадиган одат чиқаради. Табиийки, ҳар бир маҳсулот дўконга донабай келтирилгани боис И.Аминов кўп ўтмай, буни сезиб қолади. Оқибатда у А.Абдухалиловни дўкондан четлатади.

Шундан сўнг А.Абдухалиловнинг кўнглида поччасига нисбатан адоват пайдо бўлади ва у ўч олиш пайига тушади. У

шунчалик аламзада бўлиб қолгандаки, эрта-ю кеч шу ҳақида ўйлаб, ўзича турли хил режалар тузади. Охир-оқибат у И.Аминовнинг якка-ю ёлғиз ўғли Ш.Аминовни ўғирлаб, эвазига 15.000 АҚШ доллари талаб қилишга қарор қилади. Ҳатто бу ҳақида таниши Б.Дархоновга ҳам айтиб, ундан ёрдам сўрайди. Лекин Б.Дархонов унинг жинойий режасини эшитиб, рози бўлмайди, аксинча, бундан ҳам мудҳишроқ таклифни айтади.

— Жиянинг таниб қолиб, отасига айтиб берса, нима бўлади?! Шунинг учун уни ўғирлаб, овера

Жиноятга жазо муқаррар
Қидирувдаги

бўлмай бирдан гумдон қилиш керак, — дейди у ўта совуққонлик билан.

Буни қарангки, унинг бу мудҳиш фикрига Афзал Абдухалиловга ҳам эътироз билдирмайди, аксинча, унга маъқул тушади.

Қисқаси, шундан сўнг икки ҳамтовоқ жинойий режа тузиб, 2002 йил 8 март куни шаҳарнинг “Қўрғонча” кўчасидаги бильярд клубида учрашишади. Бунга сабаб айни ўша пайтда И.Аминовнинг ўғли Шухратжон ҳам клубга келган эди. А.Абдухалилов ўзаро салом-алиқдан сўнг жиянига билдирмай,

Б.Дархоновга маъноли кўз қисиб қўяди.

— Шухратнинг велосипедига эҳтиёт қисмлар керак экан. Бир танишимга тайинлаб қўйганман. Юр, бирга бориб, шуни олиб келамиз, — дейди А.Абдухалилов Б.Дархоновга. Жинойий режага кўра, А.Абдухалилов мудҳиш режасини Б.Дархоновнинг ҳовлисида амалга оширишни кўзлаган эди. Аммо Б.Дархонов уйда ота-онаси борлигини айтиб, одамларнинг кўзидан йироқроқ, овлоқ жойга бориш зарурлигини тайинлайди.



• Моҳият

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган ўзгартиришлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига қаратилган

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Тизимда ана шундай кенг қамровли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳужжатлар ижросини таъминлашда айрим камчиликлар ҳам сақланиб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳага тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлигини кўрсатди.

Хусусан, амалдаги қонунчиликка кўра, ижро ҳужжати бўйича қарздор ундирилиши лозим бўлган қарздорликни ўз вақтида тўламоғи, Мажбурий ижро бюроси томонидан қарздорга нисбатан маъмурий жарима қўллаб берилади. Ушбу жариманинг миқдори, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, фуқароларга нисбатан 330 минг сўмдан 1 миллион 650 минг сўмгача, мансабдор шахсларга нисбатан 1 миллион 650 минг сўмдан 3 миллион 330 минг сўмгача белгиланган.

Шу маънода, агар қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган қарздорлик суммаси жариманинг энг кам миқдори-

дан ҳам оз бўлса-да, қарздорликка нисбатан юқори миқдордаги жарима тайинланиши ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига олиб келмоқда. Бу эса, бир томондан, қарздорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани ҳолда, иккинчи томондан, мазкур ҳолат табиий равишда фуқароларнинг тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари бугунги кунда Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочиси мақомида ишловчи исталган ходимда маъмурий жаримага тортиш ваколатининг мавжудлиги бюро идораларига келган ҳар қандай фуқаронинг тегишли асосларсиз жаримага тортилиши турли суиистеъмоличилик ва аҳоли норозилигига сабаб бўлади.

Бу Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий жарима қўллаш ваколатига эга бўлган шахслар доирасини аниқлаштириш, суиистеъмоличиликларнинг олдини олиш мақсадида назоратни кучай-

тириш зарурлигини кўрсатди.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг қирқ иккинчи ялпи мажлисида **“Ижро ҳужжатларини ижро этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”**ги қонун қабул қилинишига қаратилган.

Ҳуусан, қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, юқоридаги муаммолар бартараф этилмоқда. Аниқроқ айтганда, қўлланадиган жариманинг миқдори ижро

ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида қоида киритилмоқда.

Шунингдек, янги қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочилари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ушбу янги қонун **“Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча кулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Президент қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Хулоса қилиб айтганда, **“Ижро ҳужжатларини ижро**

этмаганлик учун солинадиган маъмурий жарима миқдорини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши:

биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига;

иккинчидан, ижро ҳужжати ижро этмагани учун қарздорга нисбатан адолатли жарима тайинланишига;

учинчидан, Мажбурий ижро бюроси тизимида суиистеъмоличиликларнинг ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиниши, шунингдек, бу бордаги назоратнинг кучайтирилишига хизмат қилади.

Шухрат Чўлпиев, Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

“Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш мақсадида бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган маблағларнинг 5 фоизига бўлган қисми учун жарима қўлламаслик таклиф қилинмоқда.

Ушбу қўшимча ва ўзгартиришлар тадбиркорлар учун катта рағбат ва имконият яратиб, уларнинг экспорт фаолиятини қўшимча равишда қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИНГ ЭНГ КАМ МУДДАТИ 6 ОЙДАН 1 ОЙГА ҚИСҚАРТИРИЛМОҚДА



Мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

“Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида шахснинг вояга етмаган даврида содир этган жинояти учун қонун олдида ўз жазосини тўлиқ ўтаб бўлган сўнг унинг оқибатлари келгуси ҳаётига таъсир

қилмаслиги ва ўз ҳаёти янгидан бошлаши учун имконият берилиши таъминлаш мақсадида вояга етгунга қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддати 6 ойдан 1 ойга қисқартирилмоқда.

Янги қонун вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлигини янада либераллаштириб, вояга етмаганлик даврида содир этган жинояти учун қонун олдида ўз жазосини тўлиқ ўтаб бўлган сўнг унинг оқибатлари келгуси ҳаётига таъсир

ИЖАРА ВА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛАНДИ



“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ижара ва лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ижара ва лизинг муносабатларига оид 2 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Амалдаги қонунчиликда кейинчалик сотиб олиш шартли билан ижарага олувчиларнинг келгусида шартнома объектини мулк қилиб олишдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир механизмлар етарли эмас. Шу боис ушбу турдаги шартномачиларнинг ҳимоя қилинишига хос хусусиятларини қонунчиликда аниқ акс эттириш таклиф этилмоқда. Масалан, “Лизинг тўғрисида”ги қонунга лизинг шартномаси тузилган вақтдан эътиборан шартнома объектисиз лизинг берувчи томонидан мажбу-

риятлар бажарилишини таъминлаш учун лизинг олувчидан гаровга олинган ҳисобланиши тўғрисида қонун киритиш таклиф қилинмоқда. Бундан алоҳида гаров шартномаси тузиш талаб этилмайди ҳамда ваколатли орган шартнома объектисиз лизинг шартномасига асосан гаров реестрига киритади.

Шунингдек, қонунчиликда берувчи лизинг олувчининг розилигини олмай туриб, лизинг объектисиз бошқача тарзда тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмаслигини назарда тутувчи қоида билан тўлдириб белгиланмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси келгусида ижара ва лизинг муносабатларида қонунчиликни таъминлаш ва фирмаларнинг жиноятларининг олдини олиш, шунингдек, лизинг муносабатлари субъектлари ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Ёзёвон туманида яшайдиган Зуҳра Садирова 2020 йил 7 февраль куни Марғилон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасида тасдиқланган ижара шартномасига мувофиқ, “NEXIA DONS” русумли автомашинасини аҳолига транспорт хизматини кўрсатувчи “EXCLUSIVE EVERST” хусусий корхонасига 3 йил муддатга ижарага беради. Аммо ижара шартномаси муддати тугай деганда, З.Садирова қутқилмаган муаммага дуч келди.

Гап шундаки, солиқ қарздорлиги мавжудлиги боис 2023 йил 1 февраль куни Ёзёвон тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий корхонанинг транспорт воситалари, хусусан, З.Садировага тегишли автомашинага нисбатан ҳам таъқиқ қўйилади. Бироқ туман солиқ идораси масъул ходимлари бирор-бир автомашинанинг ҳужжатини текшириб кўрмайди.

Буниси ҳам етмагандек, З.Садировага тегишли автомашинага нисбатан 2023 йил 7 февраль ва 18 февраль кунлари ҳам таъқиқ қўйилади. Қолаверса, ижара шартномаси муддати тугагани боис “EXCLUSIVE EVERST” хусусий корхонаси раҳбари Маҳаммадисо Ҳасанбоев бунга эътиборсиз қарайди. Оқибатда бу муаммо ҳал этиш Зуҳра Садированинг ўзига қолади.


Ҳўш, бу расмиятчиликми ёки хато? Айтиш керакки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-мод-

фаатини кўзлаб, Фарғона туманлараро маъмурий судига ариза шикоятни киритилди.

Айтиш керакки, Солиқ кодексининг 114-моддасига биноан, солиқ қарзи бўйича солиқ тўловчиларнинг мол-мулкни хатлаш суд қарорига асосан амалга оширилади. Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзи тан олинган тақдирда, солиқ органи қарори асосида солиқ тўловчининг солиқ қарзи бўйича мол-мулкига таъқиқ қўйиш мумкин. Демак, қонун талабидан кўринадики, Ёзёвон тумани солиқ идораси масъуллари айнан “EXCLUSIVE EVERST” хусусий корхонасига тегишли кўчмас мулкка нисбатан таъқиқ қўйиши лозим эди. Аммо улар З.Садировага тегишли автомашинага таъқиқ қўйиб, ноқонуний йўл тутишган.

Айтиш керакки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-мод-

Таассуф



Расмиятчиликми ёки хато?

дасида суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлиги ҳамда аризаچининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганини аниқласа, қарор ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул

қилиши белгиланган. Ана шу асосларга таянган суд ариза шикоятни қаноатлантириб, Ёзёвон тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2023 йил 1 февралдаги 853321-сонли, 2023 йил 7 февралдаги 1060159-сонли, 2023 йил 18 февралдаги 1213057-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топди.

Ўрни келганда шуни қайд этиш жоизки, “EXCLUSIVE EVERST” хусусий корхонаси

раҳбари Маҳаммадисо Ҳасанбоев қонуний тарзда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади. Бу унинг қонунларга бепасанд муносабатини кўрсатиши баробарида маънавий дунёқароши торлигини ҳам билдиради. Чунки маънавий етуқ инсон ҳаммаша қонунга риоя қилади. Зотан, қонун ҳаммага баробардир.

Солиқом ҚУБОНОВ, Фарғона туманлараро маъмурий суди раиси

ЖИНОЯТЧИ

20 йилдан сўнг ушланиб, жазога тортилди

Бинобарин, А.Абдухалилов Б.Дархонов билан бирга Шухратжонни шаҳар четидидаги ҳали қурилиши тугалланмаган бир ҳовлига бошлаб боради. Уша дамда боқяш Ш.Аминов ўзи туғилиб ўсган шаҳар кўчаларини сўнгги марта кўраётгани, умуман олганда, бу фоний дунёда ҳаётининг охириги дақиқаларини кечираётгани, саноқли лаҳзалардан сўнг бегона эмас, ўзининг қариндоши қўлида фожиали

ўлим топишини қаёқдан билибди дейсиз?

— Танишим велосипединга керакли эҳтиёт чинамларни шу ҳовлининг ертўласига яшириб қўйибди, — дея А.Абдухалилов Шухратжонни алдаб, ичкарига бошлаб киради.

Соддадил болакай эса, бирон-бир ёмонлиқни ҳаёлига ҳам келтирмай унинг ордидан эргашади. Кимсасиз, ташландиқ уйнинг қоронғи ертўласига тушишгач, икки ҳамтовок бирдан

озоқ болага ташланади. Яъни Б.Дархонов ваҳшийларча қиёфада чўнтагидан симни олиб, болакайнинг бўйнидан бўга бошлади. А.Абдухалилов овозини чиқармаслиги учун боланинг оғиз-бурнини қўли билан беркитиб туради...

Буни қарангки, қотиллар ўзлари содир этган мудҳиш жиноятни яшириш йўлини ҳам аввалдан ўйлаб қўйишган экан. Яъни Б.Дархонов уйига бориб, қоп олиб келади. Сўнгра жиноий шериклар болакайнинг жасадини қолга солиб, Ўзбекистон туманининг собиқ “Пахтақайнар” ширкат хўжалигидан ўтадиган ариқча ташлаб юборишади...

Албатта, ўша куни Шухратжон уйга қайтмагач, ота-онаси хавотирга тушиб, уни қидиришга тушишади. Шунингдек, улар

зудлик билан Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармасига ҳам хабар беришади. Ички ишлар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув ҳаракатлари натижасида 2002 йил 14 март куни ариқдан боланинг жасади топилади.

Табиийки, ушбу мудҳиш қотиллик ҳақидаги совуқ хабар бир зумда ҳамма-лаб қўйилади. Буни қарангки, айни шу орада бу жиноятни кимлар содир этгани ҳам фош бўлади. Аниқроғи, маҳалла масжиди имом-хатиби бир ҳафтача илгари Шухратжонни А.Абдухалилов билан бир-бирига қўриқлашга ташлаб юборганини И.Аминовга айтади. Шундан сўнг қонун ҳимоячилари А.Абдухалиловни қақрииб, сўроқ қилишади. Шунда қотил А.Абдухалилов жиноий қилмишини

бўйинга олишга мажбур бўлади. Яъни жиноий шериги билан бирга Ш.Аминовнинг умрига зомин бўлган ҳолатида бўлган Шухратжонни ариқдан олиб борилган суриштирув ҳаракатлари натижасида 2002 йил 14 март куни ариқдан боланинг жасади топилади.

Табиийки, ушбу мудҳиш қотиллик ҳақидаги совуқ хабар бир зумда ҳамма-лаб қўйилади. Буни қарангки, айни шу орада бу жиноятни кимлар содир этгани ҳам фош бўлади. Аниқроғи, маҳалла масжиди имом-хатиби бир ҳафтача илгари Шухратжонни А.Абдухалилов билан бир-бирига қўриқлашга ташлаб юборганини И.Аминовга айтади. Шундан сўнг қонун ҳимоячилари А.Абдухалиловни қақрииб, сўроқ қилишади. Шунда қотил А.Абдухалилов жиноий қилмишини

2002 йил 14 июндаги ҳукми билан унга нисбатан қонуний жазо тайинланади. Б.Дархонов қарийб 20 йил мобайнида хорихда терговдан яшириниб юрди. Аммо барибир унинг қилмиши жазосиз қолмади, 2022 йилнинг декабрь ойида у ушланиб, юртимизга олиб келинди. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди томонидан жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Нафс қутқуси туфайли бегуноҳ боланинг умрига зомин бўлган кимса шу тариқа қонуний жазодан қочиб қутулолмади. Бу ўз навбатида, жиноий қилмиш ҳеч қачон жазосиз қолмаслигини яна бир марта тасдиқлайди **Маширабжон УЛУҒБЕКОВ**, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темури казлашган давлат тузиб, уни адолат тамойилига асосланиб, кенгаш ва машварат асосида бошқарди. Буюк ҳукмдор умри давомида тўртта пирга эътиқод қилган ва уларнинг маслаҳатлари билан иш тутган.

Соҳибқирон Амир Темури пирларидан биринчиси отасининг ҳам пир бўлмиш шаҳрисабзлик шайх Шамсиддин Қулло ал Фохуридир. Темурибек туғилгач, унга исми қўйиш учун отаси чақалоқни пирнинг хузурига олиб борди. Шайхнинг олдига чақалоқни олиб борганида у Қуръони Каримдан «Мулк» сурасининг 16-оятини ўқиб ўтирган эди. Шайх муқаддас китобнинг ушбу оятдаги «Гамуру» сўзини олиб, чақалоққа «Темури» деган исми маъқул кўради.



Амир Темури ардоғидаги учинчи пир Сайид Баракадир. Сайид Барака билан Амир Темурининг илк учрашуви Термиз яқинида рўй беради. Сайид Барака Амир Темури фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга ҳокимият рамзи катта ногора билан байроқ тортиқ қилади. Шу кундан Амир Темури Сайид Баракага пир сифатида эътиқод қўяди.


Соҳибқирон тўртинчи пир Шайх Зайниддин Абу Бакрат-Тойбодий билан биринчи марта 1381 йилда Ҳаридуд водийсида учрашади. Амир Темури Тойбод кишлоғига йўли тушганда кишлоқда улуг бир шайх истикомат қилиши ҳақида эшитгач, уни хузурига чорлаб, бир неча одам юборади. Бироқ у Амир Темурига ишим йўқ дея келишни маъқул кўрмайди. Ниҳоят, Амир Темурининг ёлғиз ўзи шайх хузурига борганда шайх уни уйдан чиқиб кутиб олади ва елкасига қўлини



Кўяди. Кейинчалик Амир Темури бу вазиятни эслаб, «Агар шайх яна бир замон қўлини елкамдан олманганда, мен гўёки осмон устимга тушиб, оғирлик тагида қолиб пачоқ бўлаёзгандай эдим»,

Тарих тилсимлари

Амир Темури ПИРЛАРИ



дея хотирлаган. Бу жисмонан ниҳоятда бақувват бўлган Амир Темури вужудига шунчалик оғирликни юклай олган шайх юксак ботиний куч-қудратга эга эканидан далолат беради. Шундан сўнг шайх Амир Темури билан узоқ суҳбатлашади, ўз маслаҳатларини беради. Шу кундан эътиборан улар ўртасида ўзаро содиқлик ришталари боғланади.

Амир Темури пир Тойбодий билан бўлган тарихий учрашувини қуйидагича эслаган: «Қутб ул-актоб Зайниддин Абу Бакрага ирода қўлини бердим. Шайх камаримни шохлик ёғдуси билан боғладилар, ўз бош кийимини бошимга қўйдилар ва ақиқ кўзли бир узук бердилар. Унинг кўзига «Ростию русту» («Куч-адолатда») нақш қилинган эди».

Соҳибқироннинг порлоқ истиқболи ҳақида хайрли башорат пир Тойбодий томонидан билдирилган ва унинг қўлига ўз узугини тақиб қўйган. Узук кўзидаги «Куч-адолатда» де-

ган пурҳикмат ақидага Амир Темури умри давомида қатъий амал қилган. Бу тамойил Соҳибқирон давлат бошқарувида устувор ғояга айланган: «Пирим Зайниддин Абу Бакрат Тойбодий менга ёздиларким, «Абулмансур Темури, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) (ўзинг билан) машварату маслаҳат айла; 2) (бошқалар билан) кенгаш; 3) хушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткорлик қил. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари хато бўлган жоҳил одамга қийёслаш мумкин; унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтирғай. Шундай экан, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тadbир билан иш юритгин.

Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабуру тоқат билан бўлғай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур.

(Хуллас) тadbирлардан огоҳ қилинган кейин шуни айтиш жоиздирким, қатъийлик, сабр, чидамлилик, хушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилғай».

Ушбу мактуб Амир Темурига бир умр раҳнамолик қилди, мактубда айтилган маслаҳатларга амал қилди. Шунинг учун ҳам у марказлашган қудратли йирик давлат барпо этишга эришди, унинг бошқаруви тизимидаги тажрибаси кейинчалик унинг авлодларига дастур вазифасини ўтади.

Умуман, Амир Темури ҳаёти давомида эътиқод қўйган, ихлос қилган улуг кишилар кўп бўлган. Албатта, Соҳибқирон улардан оқилона маслаҳат, руҳий ва маънавий далла олган. Бу эса, буюк саркарданин бунёдкорлик, ободончилик ва саховатпешалик ишларига катта ёрдам берган.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Қизиқарли фактлар

ТАҚДИРНИ ўзгартирган воқеа



Бу дунёда оддийгина тасодиқий воқеа-ҳодиса ҳам инсон ҳаётида ўчмас из қолдириши ва ҳатто тақдирини кескин тарзда ўзгартириб юбориши мумкин. Бунга қўўна тарихдан қўллаб мисоллар топилади. Қўйида ана шундай ғаройиб бир воқеа ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ҳаноб, — дейди фермер рос-такамига жаҳли чиқиб. — Мен буни бирон-бир фойдани уйлаб қилганим йўқ. Бунинг устига менингни ўрнимда бошқа одам ҳам худди шундай йўл тутарди. Ҳеч ким қараб турмасди. Шунинг учун сиз мендан қарздор эмассиз.

— Йўқ, мен бу яхшилингизни шундай қолдирилмаман. Тўғри тушунинг, илтимос. Мен ўғлимни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Шунинг учун унинг ҳаётини сақлаб қолган одамни нима биландир албатта, рози қилишим керак, — дейди ҳалиги киши самимий оҳангда.

Аммо фермер сўзида туриб олади.

— Мен бу ҳақида эшитишни ҳам истамайман, хафа бўлмаган, — дейди фермер уйи томон юраркан. Айна шу пайт уй ичкарисидан фермернинг етти-саккиз ёшдаги ўғли юғриб чиқиб келади. Буни кўриб, ҳалиги меҳмон дабдурустан сўрайди:

— Бу сизнинг ўғлингизми?

— Ҳа, — деди фермер аллақандай ички ғурур билан. — Менингни яққаю-ёлғиз ўғлим бу.

Шунда кутилмаганда, ҳалиги меҳмоннинг юзи ёришиб кетади ва у галати таклифни айтади:

— Келинг, унда бундай қиламиз. Мен сизнинг ўғлингизни ўзим билан Лондонга олиб бораман. Унинг ўқиши, таълим олиши учун барча харажатларни ўзим тўлайман. Тўғри, тушунинг, илтимос, насиб этса, келажақда бу қароримиздан сиз ҳам, мен ҳам афсусланмаймиз...

Улар охир-оқибат бир тўхтамга келишади, фермер ўғлининг Лондонда таълим олишига эътироз билдирмайди.

Қисқаси, орадан кўп йиллар оласан, — дейди у меҳрибонлик билан.

— Йўқ, — дея бола унинг таклифини рад этади. — Уйда отам кутаяпти, қаттиқ хавотир олаётган бўлса керак... Шунинг учун уйимга бораман.

Болакай шундай дея ўзининг халоскорига миннатдорчилик билдириб, уйи томон юғриб кетади. Фермер ҳам қилган ишидан мамнун тортиб, уйига равона бўлади.

У бу воқеани ўша пайтда эсидан чиқариб юборганди. Аммо эртаси кун эрталаб унинг уйи олдига бир извош келиб тўхтади. Извошга зотли, қимматбаҳо отлар қўшилган, бунинг устига унда ўта қимматбаҳо кийимдаги қандайдир киши салобат билан кўр тўкиб ўтирарди.

Ҳалиги киши извошдан тушиб, уйдан чиқиб келган фермерга юзланди.

— Кеча сиз ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолган эдингизми? — деб сўрайди.

Рости гап, фермер буни кутмаган, кечаги воқеани эса, аллақачон унутиб юборганди. Шунинг учун хижолат тортган куйи шундай дейди:

— Ҳа, менман, аммо бундай пайтда ким бўлса ҳам қараб турмасди.

— Хўш, бу хизматингиз учун сизга қанча ҳақ тўлашим керак?

— Мени хафа қияспиз,

Ҳеч кимга сир эмаски, одобли, ҳамиша ҳалолликка интиладиган ғайрат-шижоатли фарзанд ота-онага обрў-эътибор келтиради. Жамиятимизда бундай ўғил-қизлар ниҳоятда кўп. Аммо гуруч қурмакисиз бўлмаганидек, вояга етмаган ёшлар орасида жиноят содир этаётганлар ҳам йўқ эмас. Қўйида шу ҳақида тўхталамиз.

Жиноят ва жазо

ЎҒРИ БОЛА ота-онага ташвиш келтирди



Вояга етмаган Абдулатиф Қулмуродов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йил суддан ўғирлик жинояти учун суд томонидан қилмишига яраша қонуний жазога тортилган. Афсуски, у бундан тегишли хулоса чиқармади. Аксинча, у яна жиноятга кўл урди.

А.Қулмуродов ярим тунда «Ёшлик» истироҳат боғи ҳудудидаги ошхоналардан бирига ўғирликка тушди.

Эшик қулфини бузиб кирган А.Қулмуродов ошхона ертўласида турган темир сейфни олиб кетиб, унинг ичида бўлган 4 миллион 467 миң сўмни талон-торож қилади.

Ошхонага ўрнатилган қузатув камераси жиноятни фош этди. Номалум шахс ошхона эшигини очгани, ичкарига кириб, сейфни кўтариб чиқгани тасвири тушиб қолганди. Ушбу ҳолат юзасидан ошхона эгаси Э.Файзиев ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилади. Дастлабки суриштирув чоғида жиноятни А.Қулмуродов содир этгани аниқланади. А.Қулмуродовдан ўғирланган темир сейф ва елкага осиб юриш учун мўлжалланган сумка ашёвий далил тариқасида хужжатлаштириб

олинди.

Суд мажлисида вояга етмаган А.Қулмуродовнинг 4 миллион 467 миң сўм ва темир сейфини яширин тарзда талон-торож қилгани тўлиқ ўз тасдиғини топди. Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Қулмуродовнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан тўғри малакаланган, деб ҳисоблади.

Суд судланувчига нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 1-бандидаги «Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари қатъий амал қилишга қаратилиши», 3-бандидаги «ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек, жазони енгил-

лаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши зарур», деган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилди.

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 994-моддаси 2-қисмида ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилар) ёки васийи томонидан, агар уллар зарар узларининг айби билан етказилмаганини исботлай олмаса, тўланиши лозимлиги кўрсатилган. Аммо А.Қулмуродовнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари аниқланмаган. У 2007 йил 16 апрель кун туғилган бўлиб, ҳали вояга етмаган, онаси Ю.Қулмуродова, отаси ва яқин қариндошларининг айби билан зарар етказилмаганини исботлай олмаган.

Шу асосларга таянган суд Жомбой тумани прокурори томонидан келтирилган даъво аризани қаноатлантирди. Вояга етмаган судланув-

чи А.Қулмуродовнинг жиноий қилмиши оқибатида етказилган 4 миллион 467 миң сўм моддий зарарни жабрланувчи Э.Файзиев ҳисобига отаси ва онасидан ундиришни белгилади. Шу каби суд жабрланувчига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирди.

Суд вояга етмаган судланувчи А.Қулмуродовни Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбдор деб топди ва олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисмига биноан ушбу жазо муддатини суднинг 2022 йил 16 мартдаги ҳукми билан белгиланган жазо муддатига қисман қўшиб, узил-кесил саккиз ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шу тариқа ўғри бола ота-онасига ташвиш келтириб, уларни эл орасида уятга қолдирди.

Абдусаттор АБДУРАЗЗОҚОВ,
жиноят ишлари бўйича Жомбой тумани суди раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч - адолатда» муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2183-8229

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: G-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4643

1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22⁰⁰.

Интернет материаллари асосида Б.Райимов тайёрлади.